

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ ТАФОВВУТИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-473-480>

Норов Тожи Омонович

ТДИУ Ижтимоий-гуманитар фанлар
кафедраси доценти фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола ижтимоий-гуманитар, сиёсий-ҳуқуқий фанлар соҳасида кенг муҳокама, баҳс-мунозараларга асос бўлиб келаётган фуқаролик жамияти тушунчасининг ижтимоий-методологик таҳлиliga бағишланган. Мақолада, фуқаролик жамияти ва унга берилган фалсафий баҳолар амалий фаолият билан унчалик уйғун эмаслиги ҳаётий мисоллар билан ёритилган.

Калит сўзлар: фуқаро, жамият, фуқаролик жамияти, давлат, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқ, бурч, масъулият, ижтимоий-ҳуқуқий кафолат.

ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Т. О. Норов. ТГЭУ

доцент кафедры Социально-гуманитарные науки
доктор философских (PhD)

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена социально-методологическому анализу понятия гражданского общества, являющегося основой для широких дискуссий и дискуссий в области социогуманитарных, политических и юридических наук. В статье на реальных примерах показано, что гражданское общество и даваемые ему философские оценки в меньшей степени согласуются с практическими действиями.

Ключевые слова: гражданин, общество, гражданское общество, государство, институты гражданского общества, право, обязанность, ответственность, социально-правовая гарантия.

CIVIL SOCIETY: DIFFERENCES IN THEORY AND PRACTICE

T. O. Norov. TSEU

Social and humanitarian sciences
Docent, Doctor of Philosophy (PhD)

ABSTRACT

473

This article is devoted to the socio-methodological analysis of the concept of civil society, which is the basis for broad discussions and discussions in the field of socio-humanitarian, political and legal sciences. Using real examples, the article shows that civil society and the philosophical assessments given to it are less consistent with practical actions.

Keywords: *citizen, society, civil society, state, institutions of civil society, right, duty, responsibility, social and legal guarantee.*

КИРИШ

Биз, бу ишимизни илмий ёки бошқа хусусиятдаги мақола дейишга даъво қилмаймиз, шунчаки, оддий зиёли сифатида ўз фикримизни билдирдик. Масалага ноанънавийроқ қарашга ҳаракат қилдик. Шунинг учун, ихтибослар келтирмадик. Инсон, инсоният пайдо бўлиб, ўзини онгли фаолияти давомида ҳар бир киши ва умуман инсониятга муносиб фаровон ҳаёт, турмуш тарзи яратишни орзу қилиб келган. Зеро, бундай жамият ва ҳаёт даражасига эришиш мутлақо инсонларнинг ўзига, уларнинг қилган ниятига, ҳаракатига, интилишларининг нақадар тўғри асосланганлиги, соғлом ва беғараз эканлигига боғлиқ. Улуғ мутафаккир, темурий султон - Мирзо Улуғбекнинг: “*Воқеалар само гумбазини қандай айланишига қараб эмас, одамларнинг нияти ва ҳаракатларига боғлиқ*” деган ҳикмати бор. Дарҳақиқат, мақсад тўғри ва аниқ қўйилган бўлса унга эришиш осон.

МЕТОДЛАР

“Фуқаролик жамияти” – нақадар бу ибора мантиқ-маъноси бўйича тўғри қўйилган. Дунёнинг бошқа минтақалари халқлари каби, адолатли, фаровон турмуш тарзи, озод ва эркин жамият, тенглик каби улуғвор ғоялар бизнинг аждоларимизнинг ижтимоий фалсафасида жуда чуқур тадқиқ ва таҳлил қилинган. Масалан, Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” ва бошқа асарлари, Ибн Сино асарларида, Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» ва Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonларида подшоҳсиз жамият, яъни солиҳ кишилар жамияти, жамиятни ўзини-ўзи келишган ҳолда мурсою-мадора йўли билан бошқариши ҳақида қарашлар бор. Уларнинг қарашларида, бундай жамиятга зўрлик, инқилоб йўли билан эмас, ҳар бир инсонни ахлоқий тарбиялаш орқали етиш мумкин, деб ҳисоблаган. Лекин, жамиятда инсонлар ўртасида, турли хусусиятларда нотекислик бор экан, уларни барқарор, умумий қонун-қоидалар орқали бошқарув механизми тизими йўқолмайди. Бундай функцияни ҳозиргача, ҳамма жойда **давлат** амалга ошириб келмоқда. Хўш

шундай экан, давлат ўз функциясини қачон мутлақо тўхтатади. Умуман, шундай бўладими, бўлса қачон ва қайтарзда, деган саволлар кўп. Лекин, уларга берилган жавоблар саволлардан жуда кўп.

Фуқаролик жамияти Ғарб дунёсида назарияда мутлақо бошқача қўйилган ва амалиётда бошқача тадбиқ қилинади. Бу алоҳида масала. Ҳар ким чопонни ўз жуссасига қараб бичиши керак.

НАТИЖАЛАР

Шундай масалалар борки, уларни шунчаки фуқароларни иродасига ва ўзлари билганича ҳал қилишига қолдириб бўлмайди. Шундай муаммолардан бири эпидемия ва унинг ўта кенг тарқалиш тарзи бўлган пандемик ҳолатлар, табиий ва техноген офатлар кабилардир. Бундай ҳолларда, ижтимоий тузуми ва тизими, жамиятнинг маданий даражасининг қайдаражада шаклланганлиги, мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари сони, олиб бораётган фаолият даражасидан қатъий назар, жамият аъзоларининг ҳақиқий қиёфаси ижтимоий-психологик фазилатлари ва иллатлари намоён бўлади. Бундай иллатлардан: ўғрилик, зўравонлик, талончилик, ёлғончилик, товламачилик, бошқалар ва давлат мол-мулкани талон-тарож қилиш ва бошқа ҳоллар.

Ана шундай ҳолатларда бири ҳозирги кунларда дунёда кечаётган қоронавирус офатидир. Шу ҳодиса муносабати билан дунёнинг деярли ҳамма мамлакатлари ва аҳолиси ва давлат бошқаруви тизими хусусиятлари юзага чиқиб қолди. Бу ўринда, давлатнинг муаммони ҳал қилишдаги ташкилий – тузилмавий ҳолати, фаолияти ва қўйилган аниқ вазифаларни ҳал қилишдаги жиҳатлари аниқ кўриниб қолди. Кўпчиликка аён бўлдики, биз ҳар бир масалада доимо, андоза қилиб, намуна қилиб кўрсатаётган давлатлар ва жамиятлардаги ҳолат биз ўйлаганчалик олий даражада эмас экан. Ваҳоланки, айнан, қоронавирус ҳам хориждан бизга кириб келган “сюрприз” айтиб ўтиш ўринли бўлар.

Карантин ҳолатида, жуда кўплаб фуқароларимиз, билиб-билмай турли қонун ва қоидаларни бузиб, ўзларига, ўз яқинларига, бутун жамиятга катта хавф тарқатишга сабаб бўлишди. Уларнинг кўринишлари ва даражалари ҳам турлича. Айримлар шунчаки, пандемик ҳолат қандай оқибатга олиб келишини тушунмаслик туфайли хатоликка йўл қўйган бўлса, айримлар атайлаб, ўзини кимлиги кўрсатиб қўйиш учун, кимлардир, айнан шундай қалтис вазиятда ўзининг мудҳиш жиноий режаларини осонликча амалга ошириш бўйича ҳолатлар аниқланди. Хусусан, оддий тиббиёт ниқоби ёки қўлқопини киймаслик ҳолатилар: қотиллик, талончилик-босқинчилик, наркотик моддалар ва бошқа

психотроп моддалар истеъмоли ва савдоси, қиморбозлик ёки бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинлар, фахш ишлар билан боғлиқ жиноятлар, ўзгалар молини ўзлаштириш билан боғлиқ фирибгарлик ва товламачилик каби жиноятлар аниқланди ва уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган чоралар қўлланилди. Лекин, афсуски, булар фақат аниқланган ҳолатлар эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистон шароитида, Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Тергов Департаменти томонидан мунтазам бериб борилаётган маълумотларга кўра 2020 йил 2 май, 22:45 ҳолатига карантин қоидаларини бузиш билан боғлиқ:

- Шу куннинг ўзида – 2172 ҳолат;
- Карантин бошлангандан буён – 126088 ҳолат;

Шулардан:

- Ниқоб тақмасдан юриш -120189 ҳолат;
- Санитария ва эпидемиология қоидаларига зид равишда савдо фаолиятини давом эттириш - 268 ҳолат;
- Карантин ҳудудини ташлаб кетиш – 454 ҳолат;
- Ижтимоий тармоқларда ваҳима тарқатиш – 11 ҳолат;
- Маросим ва тадбирлар ўтказиш 35 ҳолат;
- Бошқа ҳолатлар 5131 ҳолат

Афсуски, бизни назаримизда, мамалакатимизда фаолият олиб бораётган 10000 дан ортиқ фуқаролик жамияти институтлари ўзларининг бундай вазиятда ўта пассив даражада намоён қилишди. Лекин, шу ўринда, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган бошқа диний жамоалар марказий ва жойлардаги идораларини даъватлари ва диний маросимларни оммавий тартибда ўтказишдан қайтаришини алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Ўта хавфли юқумли касалликларни тарқалишининг бош омили – бу одамларнинг жамоавий фаолият олиб боришидир. Ана шундай шароитда Мусулмонлар идорасининг жамоа номозлари, Рамазон оyi муносабати билан тараввиҳ намозларини, ифторлик маросимларини фуқаролар ўз уйларида ўтказишга, дафн ва жаноза маросимларида одатдагидек кўпчиликни тўпланмаслига даъвати, шунингдек, насроний жамоалари вакиллари, пасха, яҳудий жамоалари масъуллари ҳам ибодат маросимларида жамоа бўлишдан тийилиш, ўзини-ўзи ихоталаш (яккалаш дегани сал ғализроқ назаримизда) тадбирларини кенг тарғиб қилиши аҳамиятга эгалигини таъкидлаш лозим.

Шундай вазиятда, Мамалакатимиз аҳолисининг умумий маънода инсон маънавияти шаклланишининг ҳамма омиллари,- маънавий-маърифий, диний, маиший, ижтимоий-сиёсий-ҳуқуқий тарбия ва билимлари ўз натижасини берди деб уйлаймиз. Чунки юқорида айтганимиз, қонун қоидаларни бузилиши ҳолати фақат аниқланганлари бўлишига қарамасдан, барибир ҳалқимиз ўзини юқори маънавияти, масъулият фазилатларига эга эканлигини кўрсатди. Чунки, кўплари унутилиб кетаётган бўлишига қарамасдан, ҳалқимиз бошига тушган илгариги офатлар тажрибаси ва бизга мерос бағрикенглик, саховатлилик хислатлари ўзини натижасини кўрсатди. Ваҳоланки, қилинган ишлар жараёнга ҳам боғлиқ. Лекин, бир ибора бор иш жараён билан эмас натижа билан кўринади. Натижалар ёмон эмас. Кўз тегмасин – вирусга чалинганлик, уларни даволаб оиласига қайтариш кўрсаткичлари бўйича солиштирма даража ёмон эмас. Афсуски, оз бўлса ҳам ўлим ҳолатлари бўлди. Лекин, бу ҳаммамизга сабоқ бўлиши керак.

Оллоҳни иродаси билан, Президентимиз бошчилигида давлатимиз ва ҳалқимиз бу синовлардан албатта ўтиб оламиз.

Юртимизни бошига тушган бу кулфатни ҳал қилишда биринчи галда давлат, давлат муассалари, хусусан, ҳуқуқ тартибот органлари, ҳукумат идоралари ва албатта соғлиқни сақлаш муассалари тўғрисида шифокорларни фидокорона фаолиятини алоҳида миннатдорчилик билан эътироф этиш ўринли.

Бухоро воқеалар, Сирдарёдаги Сардобо воқеалари юртимизнинг бошқа жойларида об-ҳаво инжиқлиги туфайли аҳоли бошига тушган фожиа ва таҳликали вазияда яна давлат бошлиғи ва давлат идоралари бошчилигида фавқулодда ташкилий амалий фаолият ўз натижасини самарали эканлигини кўрсатди. Энг асосийси саросимага тушмасдан вазиятга тушуниш ва тўғри баҳо бериш.

Айнан шу ўринда, ИИ органлари, Миллий Гвардия, Хавфсизлик, миллий армиямиз тунги пайт бўлишига қарамасдан пойтахтимизнинг ҳар бир маҳалла-гузари ҳар-бир кўчасида юриб аҳолини кучли бўрондан огоҳлантириб чиқишини алоҳида айтиб ўтиш зарур. Уйлаймизки, бундай ҳол вилоятларимизда ҳам шу тарзда кечди.

Лекин, ижтимоий тармоқларда “қиёмат аломатлари”, “охир замон келди” каби ваҳимолар тарқалаётганлигини айтиб ўтиш ўринли бўларди. Булар албатта асоссиз ва жоҳилликнинг бир кўриниши. Ваҳоланки, булар ўзларини фуқаролик жамияти институти, нодавлат нотижорат ташкилотлари, демократик институт, “сўз эркинлиги” деб даъво қилаётган ахборот тизимлари

вакиллари дир. Ахборот майдонини фуқаролик жамияти, эркин ахборот деб, шу ҳолатга ташлаб қўйиш мумкинми? Агар ташлаб қўйилса, қандай оқибатлар кутилишини тасаввур қилиш қийин эмас назаримизда.

- Амалиёт, фуқароларнинг, маданий савияси, юксак унвонлари, катта бойлиги, эътиқоди, хусусан хожи она ёки хожи оталиги жамият учун намуна ва қафолат бўлмаслигини кўрсатяпти. Буни, “халқ артисти”, “миллат примадоннаси”, “хожия” (агар шундай дейиш тўғри бўлса) Юлдуз Усмонованинг 3 май куни, қилган ишини миннат ва тухматга бурканган такаббурлиги мисолида кўриш мумкин. Яна давлат, яна суд, яна жазо...

Хуш шундай экан, бундай пайтда вазиятни барқарор ушлаш, зарур чораларни ким ёки нима амалга оширади? Давлат ва унинг ҳамма учун умумий ва мажбурий бўлган тамойили асосида қонун-қоидалари, уни ижросини таъминлайдиган ҳукумат тузулмалари ва ҳаказо. Тўғри, кўплаб, хусусий сектор вакиллари томонидан берилган хайрия ва бошқа тадбирларни олқишлаш керак албатта. Зеро, бу тадбирлар у инсонларнинг хусусий иши ва виждон амри.

Шу табиий офат юз берганини эртаси куниёқ, эрталаб, Ўзбекистон Президенти М.Мирзиёев вазият билан шахсан танишиш ва фавқулодда чоралар кўриш мақсадида Бухорога етиб борди.

МУНОЗАРА

Ваҳоланки, биздаги ижтимоий-сиёсий, фалсафий таҳлилларда фуқаролик жамияти қуйидагича таърифланган ва тавсифланган бўлиб, бу унчалик реал ҳолатдан кескин фарқ қилувчи шунчаки орзу-ҳавасга ўхшаш ҳиссиёт асосида баён қилинмоқда:

Фуқаролик жамияти – ўзини ўзи ривожлантирувчи ва ўзини ўзи бошқарувчи тизим. Индивидлар ҳар хил ташкилотларга бирлашиб, бир-бири билан ранг-баранг муносабатлар ўрнатиб, ўзларининг баъзан қарама-қарши, баъзан умумий манфаатларини рўёбга чиқариб, жамият сиёсий ҳокимияти кучига эга бўлган давлатнинг аралашувисиз уйғун ва изчил ривожланишини таъминлайди. Фуқаролик жамияти давлатдан мустақил равишда ўзини ўзи ривожлантиришнинг ички манбаларига эгадир.

Фуқаролик жамияти – ҳуқуқий давлат билан уйғунликда яшайди. Бу ерда инсон ва фуқаронинг табиий ва ўзлаштирилган ҳуқуқларини тан олиш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш уларни бир-бирига боғловчи омил сифатида амал қилади. Фуқаролик жамиятининг асосий унсури айрим шахс бўлса, фуқаролик жамияти институтлари, ташкилотлар, гуруҳлар ва ҳоказолар уни шакллантирувчи омиллардир. Улар шахснинг манфаатлари, мақсадлари,

ниятлари ва бошқа эҳтиёжларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Шу сабабли иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни бир-биридан ажратиш - ҳақиқий фуқаролик жамиятининг юзага келиши ва қарор топишининг бош омили ҳисобланади. Иқтисодий ҳокимият билан сиёсий ҳокимият кўшилганида муқаррар тарзда иқтисодий ҳокимиятнинг бир марказ, бир одам ёки шахслар гуруҳи кўлида жамланиши юз беради. Агар сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятлар турли марказлар, бошқа-бошқа кўлларда жамланса, улар бир-бирини чеклаб туради.

Фуқаролик жамияти ҳокимиятнинг оқилоналиги ва одилоналиги, шахс эркинлиги ва фаровонлиги ҳақидаги ғояларнинг ҳуқуқий устунлиги, ҳуқуқ ва қонуннинг бирлиги, давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари фаолиятини ҳуқуқий чегаралаш ғоялари билан муштаракдир.

Фуқаролик жамияти – ўзини ўзи ривожлантирувчи ва ўзини ўзи бошқарувчи тизим. Индивидлар ҳар хил ташкилотларга бирлашиб, бир-бири билан ранг-баранг муносабатлар ўрнатиб, ўзларининг баъзан қарама-қарши, баъзан умумий манфаатларини рўёбга чиқариб, жамият сиёсий ҳокимияти кучига эга бўлган давлатнинг аралашувисиз уйғун ва изчил ривожланишини таъминлайди. Фуқаролик жамияти давлатдан мустақил равишда ўзини ўзи ривожлантиришнинг ички манбаларига эгадир.

Фуқаролик жамияти – ҳуқуқий давлат билан уйғунликда яшайди. Бу ерда инсон ва фуқаронинг табиий ва ўзлаштирилган ҳуқуқларини тан олиш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш уларни бир-бирига боғловчи омил сифатида амал қилади. Фуқаролик жамиятининг асосий унсури айрим шахс бўлса, фуқаролик жамияти институтлари, ташкилотлар, гуруҳлар ва ҳоказолар уни шакллантирувчи омиллардир. Улар шахснинг манфаатлари, мақсадлари, ниятлари ва бошқа эҳтиёжларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Шу сабабли иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни бир-биридан ажратиш - ҳақиқий фуқаролик жамиятининг юзага келиши ва қарор топишининг бош омили ҳисобланади. Иқтисодий ҳокимият билан сиёсий ҳокимият кўшилганида муқаррар тарзда иқтисодий ҳокимиятнинг бир марказ, бир одам ёки шахслар гуруҳи кўлида жамланиши юз беради. Агар сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятлар турли марказлар, бошқа-бошқа кўлларда жамланса, улар бир-бирини чеклаб туради.

Фуқаролик жамияти ҳокимиятнинг оқилоналиги ва одилоналиги, шахс эркинлиги ва фаровонлиги ҳақидаги ғояларнинг ҳуқуқий устунлиги, ҳуқуқ ва қонуннинг бирлиги, давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари фаолиятини ҳуқуқий чегаралаш ғоялари билан муштаракдир. Бу бизга шўро тузумида узок йиллар коммунизмга ўтишни ваъда қилингани каби, Ғарб сохта

демократиясининг баланпарвоз ва мантиқдан анча узоқ бўлган чалғитувчи ғояларидир.

ХУЛОСА

- Фуқаролик жамияти доир ғояларини энг тўғри ғоя мақсад деб ёпишиб олиш, жуда тўғри эмас;
- Мамлакатимизда фуқаролик масъулиятини ўта юқори даражада деб бўлмади;
- Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти жуда паст;
- Уларнинг аксари шунчаки, бюракратик тузилмаларнинг бир бўлаги;
- Фуқаролик жамияти ва унинг хорижий тажрибасига муккасидан кетиб ёпишиб олиш керак эмас;
- Ўзимиздаги имконият, ҳолат ва заруриятдан келиб чиқиб ёндошув керак;
- Хориж тажрибасини зарур бўлганда, ўзимизда фавқулудда етишмайдиган, ўзимизда аналогий йўқ ҳолларда қўллаш керак, мутлақо хориж тажрибасига “ётиб олиш” керак эмас;
- Бизда ҳам жаҳон ҳамжамияти, хорижликлар ўрганиши зарур бўлган анъана, қадриятлар ва асрлар синовидан ишончли ўтган тажрибалар кўп;
- Уларни кенг ва самарали тарғиб қилиш механизмларини йўлга қўйиш керак;
- Давлат фаолияти барқарорлик ва тараққиётнинг асосий кафолати эканлигини унутиш керак эмас;
- Давлат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш усуллари ва воситалари ҳақида бош қотириш керак;
- Умуман, сонда бор сифатда йўқ ФЖИ лардан воз кечиш, улар учун ортиқча харажат, тавиш қилиш унчалик самарали эмас;
- Айниқса, хориждаги “хомийлари” позициясига таяниб, давлат ва ҳукумат фаолиятини асоссиз тафтиш қиладиган, ноқонструктив, “ревизионистик” ФЖИлар фаолиятдан воз кечиш керак;
- Йирик далаатларнинг кўппартиялик тизими масаласидаги “хўжакўрсинчилик” қолипидан чиқиш керак;
- Биз фуқаролик жамияти ғояларини мутлақо инкор қилиш фикридан йироқмиз, лекин, ички мазмун, имконият, шароит, вақт вазиятлари ҳисобга олиниши зарур.